## ШАРТНОМА №4/2022

**Фарғона шахри** “07” 02 2022 йил

“FARG'ONA OK STUDY” МЧЖкейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритилади. Ўзининг низоми асосида иш юритувчи рахбар Х.Сотволдиев номидан, бир томондан Боғдод тумани хокимлиги кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади, ўзининг Низоми асосида иш юритувчи Ю. Хусаинов номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани туздилар.

### 1.ШАРТНОМАНИНГ МАЗМУНИ

1.1. “Буюртмачи” кўрсатилган товар учун тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

| № | Номи | Ўлчов бирлиги | Сони | нархи ҚҚСсиз | суммаси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Monoblok HP 27-dp1049nh/Intel Core i5-1135G7/DDR4 16GB/1 TB HDD/ | шт | 1 | 17 000 000 | 17 000 000 |
| 2. | Принтер: Устройство - принтер/сканер/копир<br>Цветность печати - цветная<br>Принтер Epson L3100 (A4, струйное МФУ, 9.2 стр/мин, 5760x1440dpi, 4 краски, USB2.0) | шт | 1 | 3 000 000 | 3 000 000 |
| 3. | **Жами** | | | | **20 000 000** |

### 2. ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Мазкур шартноманинг бахоси 20 000 000 (Йигирма миллион) сўмни ташкил қилади.

2.2. Хисоб китоб “Буюртмачи” томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

2.3. “Буюртмачи” шартнома имзолангандан сўнг, 5(беш) банк иш куни ичида “Бажарувчи”га мазкур шартнома умумий қийматининг 30% ни аванс тариқасида, бажарилган ишлар тўғрисидаги қабул қилиш-топшириш далолатномаси тузилган кундан 5 (беш) банк иш куни ичида қолган суммани 70 % тўловни амалга оширади.

### 3. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1 “Буюртмачи”нинг хуқуқ ва мажбуриятлари:

- “Бажарувчи”дан мазкур шартномага мувофиқ кўрсатиладиган хизматларни тўла ва соз холда амалга оширилишини талаб қилиш:
- мазкур шартнома керакли даражада бажарилмаган холда мавжуд бўлган зарарни “Бажарувчи” томонидан тўланишини талаб қилиш:
- ўз буюртмаси бўйича кўрсатиладиган хизматларни ва бажарилган ишларни мазкур шартномага асосан қабул қилиб олиш.

3.2 “Бажарувчи” қуйидаги хуқуқ ва мажбуриятларга эга:

- Кўрсатилган хизматлар учун олдиндан ҳақ тўланиши ва амалдаги қонун хужжатларида белгиланган тартибда ва хажмда узил кесил хисоб китоб қилинишини “Буюртмачи” дан талаб қилиш.

### 4. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома амалдаги қонун бўйича амалга оширилиши зарур, агар томонлар ўз мажбуриятларини тўла тўкис бажаришган бўлса шартнома “Бажарилган” деб хисобланади.

4.2. Шартнома бажарилиши бир томонлама рад этишга ёки ўзгартирилишига йўл қўйилмайди қонун хужжатларида белгиланган холлар бундан мустасно.

### 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Кўрсатиладиган хизматлар ва бажариладиган ишлар кечиктирилган ёки тўлиқ бажарилмаган тақдирда “Бажарувчи” “Буюртмачи”га кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0.5% миқдорида пения тўлайди, бироқ пениянинг умумий суммаси бу сумма қийматининг 50%дан ортиқ бўлмаслиги керак. Пения тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томоннинг шартномани зарур тарзда бажариш мажбуриятидан озод қилмайди.

5.2. Кўрсатилган хизмат ва бажарилган иш учун ўз вақтида хақ тўламаганда “Буюртмачи” “Бажарувчи”га муддати кечиктирилган хар бир кун учун хизматлар суммасининг 0.4% миқдорида пения тўлайди. Бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50%идан ортиқ бўлмаслиги керак.

## 1. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, коидага кўра , мустақил равишда уларни судгача хал этиш чораларини қурадилар.

6.2 Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни хал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга хаклидир.

## 7. ФОРС-МАЖОР

7.1. Томонларга боғлик бўлмаган ёнғин, сув тошқини, зилзила ва шу кабилар бошқа холатларда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва вазирлар махкамасининг қарорларига тегишли хужжатлар билан тасдиқланган тақдирда томонлар мажбурият бажарилиши жавобгарлигидан озод этилади.

7.2. Юқоридаги холатлар юзасидан тамонларнинг дархол хабарнома юборилиши мажбурийдир.

7.3. юқорида кўрсатилган товарга 6 (олти) ой кафолат берилади.

## 8.ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИНИШИ

8.1.Мазкур шартнома “Бажарувчи”ва “Буюртмачи” томонидан тасдиқланиб тегишли Ғазначилик бўлимидан рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга кадар амал қилади.

8.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан шартномада кўрсатилган барча шартлар бажарилган ва хисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

8.3. Мазкур шартнома 2-нусхада тузилади ва нусхалар тенг юридик кучга эгадир.

## 9. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚИЙ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

### “ БАЖАРУВЧИ ”

“FARG`ONA OK STUDY” МЧЖ
Манзил: Фарғона вилояти, Фарғона шахри,
Афросиёб кўчаси, 2А уй
Микрокредит банк Фарғона филиали
Х-р: 20208000805466922001
МФО: 00496 ИНН: 309091364
Телефон: +998937350200
E-mail: h.sotvoldiyev@okstudy.uz

Рахбари: Х.Сотволдиев

М.Ў

### “ БУЮРТМАЧИ ”

Багдод тумани ҳокимлиги
Багдод ш. мустақиллик 18 уй
х/р 23402000300100001010
мфо 00014 Марказий
банк Тошкент ш ХКМ.
стир 200159001
сечт: 100022860302097101503018003

Рахбари: Ю.Хусаинов

М.Ў

юрист: И.Абдухалилов